

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!

 **Vaziyat** 2023 йил
5 январь
№ 1 (890)



2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

○ Ўзбекистон Республикаси Фавкулдда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



МАХСУС ВАЗИФАЛАР БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ҚУТҚАРУВ МАРКАЗИ ХАЛҚАРО АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси ФВВ Махсус вазифалар бўйича республика қутқарув маркази оғир тоифали кидирув-қутқарув отряди сифатида INSARAG (кидирув-қутқарув масалалари бўйича халқаро маслаҳат гуруҳи) стандартлари асосида халқаро аттестациядан ўтказилади.

Халқаро кидирув-қутқарув INSARAG маркази 1991 йилда БМТ ташкилоти қошида ташкил топган. Унга ҳозирги кунда 90 дан ортик давлат аъзо бўлган. 1985 йил Мексикада ва 1988 йил Арманистонда ер силкиниши оқибатларини бартараф этишда кидирув-қутқарув отрядларининг ҳамкорлиги, қутқарув

ишлари умумий мувофиқлаштириш маркази орқали ташкил қилинганлиги, кўламли фавкулдда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда бунинг ўзига хос фойдали томонлари бўлганлиги сабабли, INSARAG халқаро қутқарув ташкилоти ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида ФВВ Махсус вазифалар бўйича республика қутқарув марказини тоифали кидирув-қутқарув отряди сифатида INSARAG стандартлари асосида халқаро аттестациядан ўтказиш режалаштирилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, марказ қутқарувчиларининг касбий маҳорати, жисмоний тайёргарлиги ва рухий кўникмаларини ошириш, шуинингдек, қутқарувчиларнинг “Хорижий тил” фанида фавкулдда вазиятлар соҳасидаги билим ва малакаларини мустаҳкамлаш, фуқаро муҳофазасига оид махсус-техник терминларни ўзлаштиришлари учун чуқурлаштирилган касбий тайёргарлик дастури ишлаб чиқилган.

Ҳозирда шу каби вазифаларни ино-

батга олган ҳолда, марказда назарий ва амалий тадбирлар, ўқитиш, тайёргарлик, билим-малакаларни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, марказнинг сувда қутқарув отряди қутқарувчи-ғаввослари учун Франция давлатининг малакали ғаввослари томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган “Чорвок” сув омборида 50 метр чуқурликда қутқарув ишларини ташкил этиш бўйича амалий машғулот ўтказилди.

Мудофаа вазирлигига қарашли Тоғ кидирув-қутқарув полигоида 22 кун мобайнида тоғ кидирув-қутқарув ишлари бўйича малакали мутахассислар томонидан марказ қутқарувчилари учун машғулотлар олиб борилмоқда.

Кинология хизмати қутқарувчи-кинологлари Қозоғистон Республикаси Алмати вилоятида Марказий Осиё қутқарувчи-кинологлари учун “Қидирув-қутқарув ишларини ташкил этиш” мавзусида ташкил этилган ўқув семинарида иштирок этдилар ҳамда Божхона қўмитаси Кинология марказида 9 нафар кинолог-қутқарувчининг малакаси оширилди.

Тошкент Тибиёт академиясида ўқув курслари ташкил этилиб, унда марказ



қутқарувчиларининг фавкулдда вазият содир бўлган жойдан жабрланганларни олиб чиқиш ва уларга кечиктириб бўлмайдиган биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича кўникмалари оширилди.

Ҳозирда ФВВ Махсус вазифалар бўйича республика қутқарув марказини INSARAG стандартлари асосида халқаро аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ юқоридаги каби тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

ФВВ Матбуот хизмати.

УШБУ СОНДА:

MUZEYGA SAYONAT  3-бет	АМАЛИЙ-ТАКТИК МАШҒУЛОТ  4-бет	ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛОВ  5-бет	2023 йил – ҚУЁН ЙИЛИ  8-бет
--	--	--	---

ФВВ СЕЙСМОПРОГНОСТИК МОНИТОРИНГ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Янги Ўзбекистон даврида давлатимиз ва ҳукуратимиз томонидан яратилаётган ўзига хос имкониятлар натижасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази фаолиятида қатор ютуқларга эришилмоқда.

Маълумки, марказ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, трансчегаравий ҳудудларда, шунингдек, табиий ва техноген хавф юқори бўлган ҳудудларда сейсмологик ва сейсмометрик кузатувларни олиб боради.

Сўнги 3 йил мобайнида Марказ томонидан амалга ошириб келинаётган халқаро ҳамкорлик тадбирларини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, ўтган давр мобайнида қўшни Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари билан зилзилаларни мониторинг қилиш соҳасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга эришилди.

2022 йилдан Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик алоқаларида янги давр бошланди. Шу кунга қадар ФВВ Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази ва АКШнинг Сан-Диего шаҳри Калифорния университети қошидаги геофизика ва планетар физика институти ўртасида 2020 йил 15 октябрда зилзилаларни мониторинг қилиш бўйича ўзаро илмий-техник ҳамкорлик қилиш юзасидан келишув имзоланган.

Шунингдек, ушбу Битимнинг 6-моддасига мувофиқ, ҳар икки томон ўзаро келишган ҳолда Битимга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш учун 2022 йил 18 июлда тегишли баённома имзоланган.



Мазкур келишувда Марказга қарашли, Жиззах вилоятида жойлашган “Қорасой” сейсмик станциясида мавжуд штольняни қайта таъмирлаш, станция ҳудудига янги бино қуриш, шунингдек, замонавий турдаги сейсмометрик асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва ишга тушириш қўзда тутилган.

Ушбу сейсмик станцияни таъмирлаш ишлари АКШ томонидан молиялаштирилмоқда.

Жорий йилнинг 14 декабрь куни АКШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси Муваққат ишлари бўйича вакили Пол Полетес бошчилигидаги мутасаддиларни Марказда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўринбосари полковник Шўҳрат Жўраев, вазирлик Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи подполковник Нодирбек Нейматов, Марказ бошлиғи капитан Қахрамон Қўчқоров ҳамда бир қатор мутахассислар қўтиб олдилар.

Битим ва Баённомадаги келишув бандларига мувофиқ, АКШ элчихонаси вакиллари томонидан Марказнинг “Қорасой” сейсмик станцияси учун умумий қиймати 156 минг АКШ доллар миқдоридаги замонавий сейсмометрик асбоб-ускуналар 2022 йилгача бўлган



даврдан фойдаланиш учун топширилди.

Ускуналар 2023 йилда “Қорасой” сейсмик станциясида қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг АКШнинг Сан-Диего шаҳри Калифорния университети қошидаги Геофизика ва планетар физика институти ҳамда Марказ мутахассислари томонидан станцияга ўрнатилиши ва ишга туширилиши режалаштирилган.

Айни ускуналарни ўрнатиш ва ишга тушириш келгусида Марказий Осиё сейсмик кузатувлар тармоғи ҳамда Халқаро сейсмик кузатувлар тармоғига реал вақт режимида тўғридан-тўғри кириш ҳамда содир бўлган зилзилалар параметрларининг аниқлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўз навбатида, Марказнинг “Қорасой” сейсмик станцияси Ўзбекистонда биринчи Халқаро сейсмик кузатувлар тармоғига уланган сейсмик станция бўлади.

Албатта, бу каби халқаро ҳамкорлик тадбирларидан қўзланган мақсад – вазирлик Сейсмопрогностик мониторинг Республика марказининг фаолият самардорлигини янада оширишдан иборатдир.

С.НАБИЕВ,
ФВВ Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази бошлиғининг биринчи ўринбосари.

“Қамчик” махсус кидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасида “Уч авлод учрашуви” тадбири ўтказилди.



Унда сўзга чиққан фахрийлар ўзларининг машаққатли ва шарафли хизмат фаолияти тўғрисида сўз олиб, ҳозирда юртимизда ҳарбий хизматчиларга яратилган шароит ва имкониятларни юқори баҳолаган ҳолда ёшлар билан ўз тажрибалари хусусида фикр алмашдилар.

Шундан сўнг бошқарма бошлиғи ўқувчи-ёшларга қутқарувчи касби ҳақида тушунчалар бериб, ҳар бир инсон ўз касбини севиши, эъзозлаши ва устаси бўлиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари, ёшларга ватанпарварлик, фидойилик, қутқарувчилик – шарафли касб эканлиги, вазирлик тизимида

олиб борилаётган ислохотлар билан бир қаторда яратилган шароитлар, имтиёзлар бўйича маълумот бериб ўтди.

Тадбир якунида амалиётда фойдаланиладиган техника ва махсус анжомларнинг намойиши ўтказилди.

Ш.АБДУСАТТОРОВА,
“Қамчик” МҚЁҚБ етакчи мутахассиси.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВЛАРИ

Сирдарё вилояти ФВБ ташаббуси билан ўтказилган “Уч авлод учрашуви” тадбирида фахрийлар, бошқарма раҳбарияти, ФВБ тизимидаги ёш ҳарбийлар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этдилар.

Даставвал сўзга чиққан фахрийлар ўзларининг машаққатли ва шарафли фаолияти тўғрисида сўз олиб, ўз хизмат тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Шундан сўнг бошқарма бошлиғи Ғуломжон Муҳамедов сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказишда кекса авлод вакиллари алоҳида ўрни борлигини таъкидлади. Эркин мулоқот тарзида ўтказилган учрашувда ёшлар томонидан тушган барча саволларга агрофлича жавоб берилди.

Шунингдек, тадбир давомида бошқарма бошлиғи ўринбосари Шерзод Саркаев томонидан ФВВнинг тегишли бўйруғи ўқиб эшиттирилиб, ўз хизмат фаолиятида барчага ўрнатилган бўлиб келаётган ёш ҳарбий хизматчиларга навбатдаги ҳарбий унвонлар тантанали топширилди.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ОАВ ВАЖТБҲҚГ бошлиғи, катта лейтенант.
Азамат ҚУРБОНОВ,
Гулистон тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, майор.



MUZEYGA SAYOHAT

FVV Muhandislik muhofaza va qurilish-tiklash ishlari bosh boshqarmasi Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi ishtirokida O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari davlat muzeyiga sayohat tashkil etildi.

Sayohat davomida ishtirokchilar O'zbekiston Qurolli Kuchlarining tashkil etilishi va rivojlanish tarixi bilan yaqindan tanishdilar.

Tadbir barchada katta taassurot qoldirdi.

Sh.AHMADALIYEV,
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi boshlig'i, kapitan.

I.KAJANOV,
OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.

Самарқанд вилояти Божхона бошқармасида божхона ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида коррупция ва унга шароит яратиб берувчи омилларни бартараф этиш юзасидан профилактик тадбир ўтказилди.

ИЛЛАТГА ҚАРШИ

Унда бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Ж.Файзуллаев сўзга чиқиб, божхона тизимида ходимларга қулай шарт-шароитлар яратиш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, божхона ходимларининг ижтимоий ҳимояси борасида амалга оширилаётган ислохотларга тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида коррупция ва унинг

салбий оқибатлари акс эттирилган видеоролик намойиш этилди.

Тадбир якунида божхона ходимларининг ота-оналари бошқарма шахсий таркиби ҳамда ўз фарзандларининг тақдирига бефарқ бўлмаган тизим раҳбарларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Самарқанд вилояти
Божхона бошқармаси
ахборот хизмати.



“ОЧИҚ ESHIKLAR KUNI”

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida “Ochiq eshiklar kuni” tadbiri o'tkazildi.

Tadbirda Samarqand shahar maktablarining 8-9-sinf o'quvchilari jalb etildi. O'quvchilarga markazda mavjud qutqaruv, tog' va avariya qutqaruv asbob-anjomlari, radiatsion, kimyoviy, biologik zararlangan obyektlarda yong'in o'chirishda qo'llaniladigan asboblari va himoya vositalari hamda yong'in o'chirish avtomobili, uning tarkibiy qismlari, tuzilishi hamda qo'shimcha asbob-anjomlari malakali mutaxassislar tomonidan to'liq tushuntirib berildi.

Shundan so'ng o'quvchilar ommaviy tartibsizliklarda harakat qilish usullari, arqon yordamida yuqori qavatlarga ko'tarilish va tushish, yong'in o'chirish narvonlarida mashg'ulotlar bajarish va yong'in qutqaruvchilarining “jangovar yoyilishi” kabi amaliy mashg'ulotlarning guvohi bo'lishdi.

Bundan tashqari, o'quvchilar respublikaning turli viloyatlaridan boshlang'ich kurs tayyorgarligidan o'tish uchun kelgan harbiy xizmatchi va xizmatchilar uchun yaratilgan shart-sharoitlar va o'quv jarayoni bilan yaqindan tanishdilar.

A.TURDIYEV,
FVV Akademiyasi huzuridagi
BTvaMOM bo'linma boshlig'i, leytenant.
A.VANOBQOV, markaz tibbiyot xizmati feldsheri, oddiy askar.



Фарғона вилояти ФВБда “Маънавий кадриятлар – миллат дорилфунуни” мавзусида машгулот ўтказилди.

МАЪРИФАТ САБОФИ

Унда Фарғона давлат университети бўлим бошлиғи Ҳалиуллох Назиров иштирок этди ва мавзу бўйича маъруза килди.

Маърузачи миллий кадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлиши ҳамда сўнгги йилларда Ўзбекистонда миллий кадриятларга нисбатан эътибор кучайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.



Шунингдек, тадбир иштирокчиларининг саволларига агрофлича жавоб берди.

Н.ИСМОИЛОВ,
Фарғона вилояти ФВБ бўлим бошлиғи ўринбосари, катта лейтенант.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонида Имудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Зангиота тумани халқ таълими бўлими, туман маънавият бўлини маси ҳамкорлигида Ғалаба боғи мажмуасида “Миллий армиямиз – Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқонидир” шиори остида кенг қамровли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, бир гуруҳ фахрийлар, таникли шоир ва актёрлар, Зангиота тумани мактабларининг ўқувчи-ёшлари, ҳарбий оркестр ва ансамбль хонандалари жалб қилинди.

Дастлаб меҳмонлар Ғалаба боғи мажмуасида ҳарбий оркестр садолари остида илик кутиб олинди. Шунданг сўнг тадбир ташкилотчилари ва меҳмонлар Ғалаба боғи мажмуаси ва Куролли Кучлар Шон-шараф музейини саёҳат қилдилар. Сўнгра таникли шоир ва актёрлар, Имудофаа вазирлиги фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, ўқувчи-ёшлар иштирокида “Қаҳрамонлар номи барҳаёт” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир давомида иқтидорли ўқувчи-ёшлар ўртасида “Менинг армиям – менинг фахрим” мавзусида “Энг яхши тасвирий санъат асари” танлови ҳам ўтказилди. Танлов якунларига кўра, ғолибликни қўлга киритган ўқувчи-ёшлар диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, “Импульс” ҳарбий ансамбль хонандалари томонидан ижро этилган Ватанини мадҳ этувчи куй-кўшиқлар барчага хуш кайфият улашди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.



ЎҚУВ МАШҚИ

Самарқанд вилояти ФВБ ва унинг таркибий тузилмалари ходимлари томонидан шаҳардаги “Кўксарой” майдонида махсус-тактик ўқув машқлари бўлиб ўтди.



Унда шаҳар ФВДТ хизматларининг фавкуллода вазиятлар юзага келгандаги ҳаракатлари синовдан ўтказилди.

Тадбирда шартли ёнгини зудлик билан бартараф этиш, жабранганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва аҳолини эвакуация қилиш ишлари амалга оширилди.

Илхомжон БОҚИЕВ,
Самарқанд вилояти ФВБ
ахборот хизмати бошлиғи,
катта лейтенант.

МУСОБАҚА

ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида бошланғич тайёргарликдан ўтаётган ёнгин-қутқарув қисми ҳарбий хизматчи ва хизматчилари ўртасида ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича мусобақа ўтказилди.



Унда тингловчилардан иборат 7 жамоа иштирок этди. Жамоалар 3 та шарт – ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-каватига кўтарилиш, ёнгин-қутқарувчилар эстафетаси ҳамда ёнгин ўчириш автомобилларида жанговар ёйилиш турлари бўйича ўзаро беллашиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Мусобақа якунига кўра, ҳар бир шарт бўйича голиб ва совриндорлар, шунингдек, юкори натижага эришган жамоалар марказ раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

У.СОЛИЕВ,
Марказ цикл катта
ўқитувчиси, подполковник.
М.АСАТОВ,
цикл ўқитувчиси,
майор.

ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти ҳамда Фарғона вилояти ФВБ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маркази ходимлари ҳамкорлигида фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш тадбирларига бағишланган ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарни Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази бошлиғи майор И.Исроилов очиб, тадбир аҳамиятига тўхталди.

Шундан сўнг ўқув маркази катта ўқитувчиси О.Атажонова кун тартиби бўйича маъруза қилиб, мутасадди ташкилотлар билан олиб борилаётган ишлар юзасидан маъруза қилди.

Тадбирда ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти Сафарбарлик кафедраси бош-

СЕМИНАР



лиги полковник Бехзодхўжа Алимов сўзга чиқиб, республикамизда ёнгин хавфсизлиги бўйича ташкиллаштирилган тадбирларга тўхталди.

Шунингдек, тадбир давомида бир гуруҳ мутахассисларнинг турли мавзулардаги маърузалари тингланиб, ўзаро

савол-жавоблар ташкил қилинди.

Семинарнинг амалий қисмида вилоят ФВБ куч ва воситалари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ёнгин ўчириш автомашинаси ҳамда қутқарув отряди асбоб-анжомлари намойиш қилинди.

Бундан ташқари, вилоят ФВБ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази томонидан семинар иштирокчиларга услубий қўлланмалар тарқатилди.

И.МАДУМАРОВ,
Фарғона вилояти ФВБ
ҲФХУМ ўқитувчиси.

Бугунги кунда Ўзбекистон Ресубликаси Фавкуллода вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби томонидан мамлакатимизда содир бўлган ёнгинларни тез ва талафотсиз бартараф қилиш соҳа вакилларидан ёнгинларни ўчиришда янгича ёндашув ва замонавий ёнгин ўчириш усулларида фойдаланишни талаб қилади.

ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Ер устки ёнгинга қарши гидрантлардан фойдаланиш еростки ёнгинга қарши гидрантларда учрайдиган бир қанча муаммоларнинг ечилишига олиб келади. Жумладан, ҳозирда йўлларнинг таъмирлаш жараёнлари гидрантга зарар еткази олмастлиги;

гидрантдан фойдаланиш давомида полиэтилен қувурларига шикаст етиш эҳтимоли пастлиги;

ҳозирги вақтларда бино-иншоотларнинг олд ва орқа томонини, фасад қисми ҳамда йўлакларга безакли тошлар ётқиш урфга айланди.

Бу борада кайд этиш жоизки, Жа-

нубий Корея, Италия, Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда ёнгинларни ўчиришда ёнгинга қарши ер усти гидрантларидан кенг фойдаланилмоқда.

Юкоридаги маълумотларни ҳисобга олиб, ҳозирда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида барпо этилаётган тизимларга ер усти ёнгинга қарши гидрантларни жорий қилиш орқали бир қатор муаммоларни ечиш мумкин.

А.БЕКПҮЛАТОВ,
Тошкент вилояти ФВБ
ТБМ бошлиғи,
подполковник.

Фарғона вилояти ФВБ тезкор бошқарув хизмати томонидан вилоят давлат Архиви биносига ёнгин-қутқарув амалий-тактик машқи ўтказилди.

АМАЛИЙ-ТАКТИК МАШҒУЛОТ

Машқ давомида ишчи-ҳодимларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, фавкуллода вазиятлар содир бўл-

ганда тўғри ҳаракатланиш ҳамда бирламчи ёнгин ўчириш воситаларидан фойдаланиш бўйича йўриқномалар берилди.

Тадбир махсус сигнал ёрдамида ишчи-ҳодимларга фавкуллода вазият содир бўлганлиги тўғрисида хабар бериш билан бошланди ҳамда ФВБ ходимлари томонидан ёнгин-қутқарув ишлари амалга оширилди.

М.ХУДОЙҚУЛОВ,
Фарғона вилояти ҳокимлиги
“Қабуллар уйи” ЁХТТЭБ
катта инспектори, капитан.



FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi tinglovchilari o'rtasida “Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!” shiori ostida “Eng yaxshi yosh kitobxon” ko'rik-tanlovi bo'lib o'tdi.

КО'РИК-TANLOV

Унда жами 14 нафар tinglovchi uchta shart bo'yicha bellashdi. Bahslar qizg'in va ko'tarinki ruhda o'tib, hakamlar hay'ati har bir tinglovchining ishtirokini munosib baholab bordi.

Musobaqa yakuniga ko'ra, g'olib tinglovchilar va faol ishtirokchilarga esdalik sovg'alar va faxriy yorliqlar topshirildi.



V.AMONILLOYEV,
FVV Akademiyasi huzuridagi BTvaMOM bo'linma katta ofitseri, leytenant.
B.ISHNAZAROV, Axborot-resurs markazi boshlig'i, oddiy askar.

СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Фарғона вилояти ФВБ ЁҚҚ шахсий таркибини ёнгинларни ўчиришда жанговар ҳаракатларни қийинлаштирувчи турли шароит ва вазиятларда ҳар бир ёнгин ўчирувчини ёнгин ўчоғи ҳудудидаги қийин шароитларда узок муддатли ишларни бажаришга тайёрлаш ва билим савиясини ошириш мақсадида ёнгин-қутқарув қисмида тутунхона тайёргарлиги бўйича амалий машғулот ўтказилди.

Унда ёнгин ўчирувчиларнинг билим-малакалари яна бир қарра синовдан ўтказилди.

М.ХУДОЙҚУЛОВ,
Фарғона вилояти
ҳокимлиги
“Қабуллар уйи”
ЁХТТЭБ катта
инспектори,
капитан.



Андижон шаҳрида спортнинг "Усмонов Комбат Системс" тури бўйича профессионаллар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

ФВБ ХОДИМИ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Ушбу жаҳон чемпионатида Самарқанд вилояти ФВБ ҳарбий хизматчиси оддий аскар Зокир Султонов 86 кг. вазнда I-ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

Ғолиб ҳамкасбимиз Зокир Султоновни ушбу муваффақият билан кизгин муборакбод этиб, келгусида ташкил этиладиган мусобақаларда ҳам омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

Самарқанд вилояти ФВБ матбуот хизмати.

ТОГ'OLDI HUDUDLARDA

Namangan viloyatida FVB hamda uning hududiy bo'limlari xodimlari tomonidan mutasaddi tashkilotlarni jalb qilgan holda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olishga qaratilgan profilaktik tadbirlar jadal sur'atlarda olib borilmoqda.



Xususan, "Chorshanba – favqulodda vaziyatlarning oldini olish va yong'inlar profilaktikasi kuni" munosabati bilan Pop tumani hududida joylashgan ijtimoiy soha, aholi yashash xonadonlari, savdo bozorlarida yong'inlar, gaz-havo aralashmasining chaqnashi, is gazidan zaharlanish va boshqa ko'ngilsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha o'rganish va targ'ibot tadbirlari tashkil etildi.

Tadbirlar davomida "Chodak

boshi" hamda "Guliston" mahalla fuqarolar yig'inlari hududlaridagi xonadon egalariga sodir bo'lishi mumkin bo'lgan yong'in, chaqnash, is gazidan zaharlanish, botulizm va boshqa favqulodda vaziyatlarning oldini olish yuzasidan tushuntirish ishlari olib borilib, eslatma va plakatlarni tarqatildi.

Akram TURG'UNOV,
Namangan viloyati FVB
XvaJTTEB boshlig'i,
mayor.

ФАОЛ БЎЛИНГ!

Республика-мизда ҳафтанинг хар чоршанбасида "Фавқулудда вазиятлар профилактикаси куни" тадбири ўтказиб келинади. Ушбу профилактик тадбирлар давомида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, газ, электр ва иссиқлик энергиясидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолатини яхшилаш, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган камчиликларни бартараф этиш ва яна қатор масалалар юзасида тадбирлар ташкил қилиб борилади.

Қадрли юртдошлар! Сиздан ушбу тадбирлар доирасида ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиб, нафақат тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки ўз мулкингиз, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, яқинларингиз ва оила аъзоларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Жаҳонгир ҚОСИМОВ,
Сурхондарё вилояти ФВБ
ОЁХТТЭБ инспектори,
катта лейтенант.

Янгиер шаҳар ФВ бўлими ва Фавқулудда вазиятлар давлат қўйи тизими хизматлари ҳамкорлигида ўтказилган йўриқномада аҳоли ўртасида табиий ҳамда суюлтирилган газдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛОВ



Ишчи гуруҳнинг дастлабки ўрганишлари Абдурахмон Жомий маҳалласида ўтказилди. Унда хонадонлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга киришилди. Шундан сўнг "қизил" ҳудудлардан бири ҳисобланган "Наврўзобод" маҳалласида аҳоли хонадонлари уйма-уй юриб ўрганилди.

Хонадонларда ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш каби ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган камчиликлар хонадон эгаларига кўрсатилган ҳолда, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Шунингдек,

эслатма материаллари тарқатилди. Фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, бу борадаги муаммоларни бартараф этишга киришилди.

Бу каби тарғибот тадбирлари ҳудудларда изчил давом эттирилмоқда.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ
ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

Жаҳонгир РОПИЕВ,
Янгиер шаҳар ФВ бўлими
бошлиғи, подполковник.

БОТУЛИЗМГА ҚАРШИ

Қашқадарё вилояти ФВБ ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим ва даволаиш муассасалари ишчи-хизматчилари ҳамда аҳоли яшаш пунктларида истиқомат қилувчи фуқаролар иштирокида "Ботулизм ва овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш" мавзусида тарғибот-ташвиқот, профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирлар давомида малакали мутахассислар томонидан озиқ-овқат ва дехқон бозорлари, йирик ва кичик савдо мажмуаларида сифатсиз, яроқлилик муддати ўтган консерва маҳсулотларини харид қилмаслик, оммавий овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари, касаллик қўзғатувчи омиллар, овқатдан заҳарланиш турлари ва касалликларнинг кечиши ва яна бошқа маълумотлар бўйича ўзаро мулоқот ҳамда суҳбатлар ташкил қилиниб, аҳолига тушунтиришлар берилмоқда.

Ҳозирда бу каби тадбирлар жойларда давом эттирилмоқда.

Ўткирбек ЮДАШЕВ,
Дехқонбод тумани ФВ бўлими бўлинима бошлиғи, майор.
Р.ТУРДИЕВ, Қашқадарё вилояти ФВБ бўлим бошлиғи,
капитан.

Qashqadaryo viloyati FVB mas'ul xodimlari va qutqaruvchilar jamoasi yangidan tashkil etilgan Ko'kdala tumani "Sho'rquduq" MFY dagi ehtiyojmand, nogironligi bo'lgan fuqarolarga ijtimoiy yordam ko'rsatdi.

SAXOVAT

Saxovat tadbirlari doirasida ehtiyojmand oilalarga oziq-ovqat mahsulotlari, maktab yoshidagi farzandlarga yangi yil sovg'alari tarqatildi.

Shaxboz BOBOMURODOV,
Qashqadaryo viloyati
FVB matbuot xizmati
xodimi, oddiy askar.

Qashqadaryo viloyati FVB xodimlari tun-u kun davomida odamlar ko'p to'planadigan dehqon bozorlarida, aholi yashash xonadonlarida, tunda insonlar qoladigan maskanlarda fuqarolarga is gazidan zaharlanish, gaz-havo aralashmasining chaqnashi bilan bog'liq baxtsiz hodisalar, turli favqulodda vaziyatlarning oldini olish borasida targ'ibot tadbirlarini olib bormoqdalar.

PROFILAKTIKA

Ayniqsa, oziq-ovqat bozorlarida mahsulotlarning sifatiga alohida e'ibor qaratilib, sotuvchi va xaridorlarga botulizm kasalligidan zaharlanish holatlari va uning oldini olish yuzasidan tushuntirishlar olib borilmoqda.

Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati.



Qashqadaryo viloyati FVB qutqaruv otryadiga "Qarshi" MFYda joylashgan baland qavatli uylarning birida 2 yoshli bola uy ichida qulflanib qolganligi haqida xabar kelib tushgan.

Xabarga ko'ra, qutqaruvchilar zudlik bilan aytilgan manzilga yetib borgan. Qutqaruvchilar baland qavatli uyning deraza qismidan ichkariga kirib, bolani onasiga sog'-omon topshirdilar.

Ulug'bek JUMANOV,
Qashqadaryo viloyati FVB
matbuot xizmati xodimi.

КЎРГАЗМАЛИ ТАРЗДА

ФВВ Академияси ҳузурдаги Бошланғич тайёр-гарлик ва малака ошириш маркази тингловчилари учун "SEG TASKO trading and supply company terminal Maroqand" МЧЖ терминалида кўргазмали ёнги ўчириш амалий-тактик машқи ўтказилди.



Машқ гоёсига кўра, МЧЖ терминалининг ёкилги кўйиш шохобчасида ёнги содир бўлди. Натижада ёнилги моддалари солинган автомобил ёнги ичида колди, технологик

қурилмаларда портлаш хавфи тугилди, қувурлардан оқиб чиққан суюклик ёниши ва ёнувчи суюкликларнинг тўкилиши, захарли газ ва буглар ҳосил бўлиши кузатилди.

Шартли ёнгини бартараф этиш учун терминалнинг ёнги ўчириш дружинаси, шунингдек, марказ ўқув кисмида мавжуд учта жанговар бўлинмалар сафарбар этилди.

Шу тариха амалий ҳаракатлар кетма-кетликда амалга оширилди.

Машқ якуни бўйича марказ бошлиги полковник С.Аҳмедов мухокама ўтказиб, йўл кўйилган хато ва камчиликларга агрофлича тўхталиб ўтди.

Дилшод ИСМОИЛОВ, марказ катта офицери, лейтенант.

BOLALARGA BERING DUNYONI!

Qashqadaryo viloyati FVB xodimlari tomonidan yong'in o'chirish avtomobillaridan foydalangan holda, ovoz kuchaytirgichlar orqali Qarshi shahrining markaziy ko'chalari bo'ylab, fuqarolar is gazidan zaharlanish, yong'in, gaz va havo aralashmasining chaqnashi kabi noxush holatlarning oldini olish yuzasidan ogohlantirildi.



Shuningdek, viloyat hududida joylashgan Respublika ixtisoslashtirilgan onkologiya va radiologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi Qashqadaryo filiali bolalar bo'limi va viloyat bolalar ko'p tarmoqli tibbiyot markazi gemotologiya bo'limlarida davolanayotgan bolajonlarning holidan xabar olindi.

Sohibjon VAYITOV,

Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati boshlig'i, kapitan.

OGOHLIK

Qish mavsumida turli favqulodda vaziyatlarning oldini olish maqsadida, Qashqadaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi mas'ul xodimlari hamda uning joylardagi bo'limlari tomonidan tunu kun xizmat olib borilmoqda.



R a q a m l a r g a e'tibor qaratsak, birgina joriy yilning noyabr oyiga qadar viloyat hududida 840 ta yong'in sodir bo'lgan bo'lsa, ushbu vaziyatlarni tahlil qilganimizda yong'inlar natijasida 30 nafar fuqaro turli tan jarohatini olgan, eng achinarlisi 4 nafar fuqaro yong'inlar

oqibatida hayotdan ko'z yumgan.

Soha vakillari tomonidan shifoxonalarda, qurilish davom etayotgan obyektlarda, barcha davlat tasarrufidagi maktab, bog'cha va bir qancha aholi tunda qoladigan maskanlarda targ'ibot tadbirlari olib borilmoqda.

Tungi tadbirlar davomida har bir obyektning isitish tizimi, qozonxonalari ko'zdan kechirilib, tun davomida ularni e'tiborsiz qoldirmaslik va har soatda nazorat qilib turish borasida ishchi-xodimlar hushyorlikka chaqirilmogda.

Ilyos DONIYEV,
Muborak NGQCHB OB YOXTTE
katta inspektori, leytenant.

Olmazor tumani FV bo'limi tomonidan "Sehriyo" nomli umumta'lim maktabida seminar tashkil etildi.

МАКТАВДА UCHRASHUV

Tadbir qatnashchilariga birlamchi yong'in o'chirish vositalarini ishlatish, kuz-qish mavsumiga tayyor-garlik ko'rish, gaz-havo aralashmasining chaqnashi, nosoz gaz uskunalaridan foydalanmaslik, yong'inlarning oldini olish va yana qator masalalar bo'yicha tushuntirish ishlari amalga oshirildi.



Baxtiyor ISKANDAROV,
Olmazor tumani FV bo'limi PvaNB mutaxassisi.

ЁЛГИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жами 66 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, туман ФВ бўлими томонидан бир қатор профилактик ишлар олиб борилишига қарамасдан айрим ота-оналарнинг ёш болаларига эътиборсизлиги туфайли кўнгилсиз ҳолатлар юзага келмоқда.



Жорий йилнинг 9 сентябрь куни Яшнобод тумани "Дилбоғ" маҳалласи "Авиасозлар" 1-даҳаси 125-уйдаги хонадонлардан бирида ёш болалар шўхлиги оқибатида ёнги юзага келиб, бир оиланинг 7 нафар боласи кўйиш тан жароҳати олиб, улардан 1 нафари ёнги

жойида, 2 нафари шифохонада вафот этди.

Ачинарлиси шундаки, вафот этганларнинг ҳаммаси ёш болалар бўлган. Бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тумандаги маҳалла фуқаро йиғинларида, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумталим мактабларида болалар ва маҳалла раислари билан тарғибот ишлари олиб борилапти. Ушбу тарғибот ишларида болаларни қаровсиз қолдирмаслик ва уларга ёнги нималарга олиб келиши, унинг оқибатида ўзи

САРҲИСОБ

Наманган вилояти бўйича жойларда ёнги ва бошқа фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан 56 та гуруҳ ташкил қилиниб, ушбу гуруҳларга жами 646 нафар ходим жалб қилинди.

Тадбир бошидан 1288 та давлат тасарруфидаги объектда, 410 та тадбиркорлик субъектига тегишли объектларда ўрганиш ва профилактик тадбирлар ўтказилган.

Ёнги-профилактика қўриқлари давомида объектларда 15676 та камчилик аниқланиб, шундан 13383 тасини жойида бартараф этишга эришилди.

Шунингдек, объектларда фавқулдда вазият ёки ёнги содир бўлганда ҳаракатланиш тартиби бўйича 284 маротаба амалий машқ ва машғулотлар, одамлар гавжум масканларда 313 маротаба ёнги-қутқарув техникалари ва воситалари намоён этилди.

Ҳозирда бу каби тадбирлар давом эттирилмоқда.

Нозимжон РАҲМОНОВ,
Наманган вилояти ФВБ
ЁН ва ПТЭБ ходими,
капитан.

ва бошқаларнинг ҳаётини хавф остига қўйиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ш.САДЕНОВ,
Яшнобод тумани ФВ
бўлими мутахассиси,
Ф.РАҲМАТИЛЛАЕВ,
бўлим инспектори,
лейтенант.

Навоий вилоятининг Конимех туманида вилоят Фавқулдда вазиятлар бошқармаси, "Худудгазтаъминот" АЖ таркибий бўлинмалари ҳамда дудбуронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотларнинг мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан тумандаги мавжуд кўп хонадонли ва яқка тартибдаги уйлар, бозор ва аҳоли кўп тўпланадиган бошқа объектларда кенг қамровли профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

КОНИМЕХ ТАДБИРЛАРИ



Тадбирлар доирасида фуқароларга электр ва газ қурилмаларидан фойдаланишда ёнги хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиш бўйича тушунтиришлар берилмоқда.

Шунингдек, тумanning олис чўл худудларида жой-лашган Учтепа, Боймурод ва Саржал овулларида "хонадонбай" ишлаш тартибида ёнгилар ва ис газидан захарланиш боғлиқ фавқулдда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тарғибот тадбирлари ўтказилиб, аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида, жами 2300 дан ортик эслатма, йўриқнома ва плакатлар тарқатилди.

Р.РАҲМАТОВ, майор,
С. ТОЛИБОВЕВ, катта лейтенант,
Навоий вилояти ФВБ ходимлари.

JADALLIK BILAN

Yashnobod tumani FV bo'limi tomonidan aholi turar joylari, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarida profilaktik tadbirlar uyushqoqlik bilan olib borilyapti.

"Hududgazta'minot" aksiyadorlik jamiyati, uy-joy mulkdorlari shirkatlari, pechka va mo'rirlarga texnik xizmat ko'rsatishga ixtisoslashgan tashkilotlar mutaxassislaridan iborat 20 ta tamirlash-tiklash brigadasi tomonidan turar joy binolarida tekshiruvlar o'tkazildi. Hozirda aniqlangan kamchiliklarni joyida bartaraf etish choralarini ko'rilmoqda. Shu kungacha yong'in xavfsizligi qoidalari talablarini targ'ib qilish, fuqarolarning bu boradagi bilimlarini oshirish maqsadida qator uchrashuv va yig'ilishlar o'tkazildi.

Isitish pechlari va gaz moslamalaridan foydalanish qoidalari, gaz-havo aralashmasining chaqnashi, is gazidan zaharlanish va boshqa noxush holatlarning oldini olishga qaratilgan 25 turdagi 3180 ta e'lon, ko'rsatma va plakatlar tarqatildi.

Shuningdek, bugungi kunda yong'in va boshqa favqulodda vaziyatlarning oldini olish maqsadida Yashnobod tumani FV bo'limi xodimlari sektorlarga bo'lingan, jadval asosida tunu kun navbatchilik tashkil etilgan.

Hakim JO'RAYEV,
Yashnobod tumani FV bo'limi
mutaxassisi, I darajali serjant.

ЗАРБДОРДА ТАДБИРЛАР ҚИЗГИН

Зарбдор тумани фавкуллода вазиятлар бўлими, кўриклаш бўлими, туман электр таъминоти корхонаси, “Зарбдортумангаз” газ таъминот бўлими, туман хокимлиги, маҳалла фаоллари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида уй-жойлар, бинолар ва иншоотларнинг ёнғинга қарши ҳолатини яхшилаш мақсадида, “Нурафшои” маҳалласи ҳудудидаги 273 та аҳоли яшаш хонадони кўздан кечирилиб, 1407 нафар фукарога йўриқномалар ўтилди.

Яшаш уйларида аниқланган 65 та камчиликдан 25 таси жойида бартараф этилди. Шунингдек, маҳалланинг Амир Темура кўчасида яшовчи фукарорларнинг яшаш шароити ўрганилиб, фукарорларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, иситиш печларининг мўрилари янгиланиб, соз ҳолатга келтирилди.

Тадбир давомида фукарорларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари акс эттирилган 500 дан ортик эслатмалар тарқатилди.

Ифтихор УМАРОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати раҳбари, катта лейтенант.
Камол ТУРСУНБОЕВ,
Зарбдор тумани ФВ бўлими бошлиғи, капитан.

АЙБ ТАМАКИДАМИ?

Чекиш инсон саломатлиги учун зарар эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Чекишдаги эҳтиётсизлик инсон бошига кулфат олиб келиши мумкинлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Бу борада Андижон вилояти ФВБ ва кўйи тизимларининг Давлат ёнғин назорати ходимлари томонидан корхона, ташкилотлар, ўқув ва даволаш муассасаларида, кишлоқ ва маҳалла фукарорлар йиғинларида, аҳоли хонадонларида ишчи-хизматчилар ва фукарорлар билан ўтказиладиган суҳбат ва учрашувлардаги асосий масала ҳам ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олишга қаратилди. Шунга қарамай айрим кимсалар ўз ҳаётларига зомин бўлиши мумкин бўлган бундай иллатлардан воз кечмайдилар.

Шундай кўнгилсизликлардан бири 2022 йил 21 ноябрь куни Андижон туманида содир бўлди. “Найманоход” маҳалласи Катта найман кўчасида яшаган фукаро 1970 йилда тугилган А.А. сигарет чекиб, ухлаб қолган. Натижада оловдан куйиш оқибатида ҳаётдан кўз юмган.

Азиз ҳамюртлар! Хонадонларингизда ва иш жойингизда ўринда ётиб тамаки чекманг, носоз ва ностандарт газ ва электр иситиш воситаларидан, газ тармоғига резина шланглар орқали улаб фойдаланманг, ёниб турган шам, очик олов ва иситиш печларини назоратсиз қолдирманг, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилинг.

С.ЗУЛУНОВ,
Андижон вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, майор.

НISOBOT

Qashqadaryo viloyati FVB tomonidan joriy yilgi “Yong’in xavfsizligi oyligi”

davomida aholi turar joylarida, iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy soha obyektlarida yong’in xavfsizligi qoidalari talablarini targ’ib qilish hamda bu borada fuqarolarning bilim-ko’nikmalarini oshirish maqsadida, jami 8010 marotaba 147341 nafar fuqaro bilan uchrashuv va yig’ilishlar o’tkazildi.

Xonadonlarni o’rganish jarayonida fuqarolarimiz tomonidan yong’in xavfsizligi talablariga javob bermaydigan hamda nosoz gaz qurilmalaridan foydalanish holatlari ham aniqlandi. Mas’ullar ushbu xonadon egalariга o’z tavsiyalarini berishib, aniqlangan kamchiliklar joyida bartaraf etildi.

Yong’in xavfsizligi qoidalari talablarini targ’ib qiluvchi 29432 ta nusxada eslatma, yo’riqnoma va plakatlar ishlab chiqilib tarqatildi.

Shuningdek, tunda odamlar qoladigan maskanlarda, talabalar turar joylari, yotoqxonalarining isitish tizimi o’rganildi va tunda xizmat olib borayotgan navbatchi xodimlarga tun davomida hushyorlikni yo’qotmaslik, yong’in xavfsizligi qoidalariга amal qilish, o’z xizmat vazifalarini sidqidildan olib borish lozimligi tushuntirildi.

Olib borilgan tekshiruv va o’rganishlar davomida 611 ta yong’inga qarshi kamchilik aniqlanib, ko’rilgan chora-tadbirlar natijasi-da 421 tasining bartaraf etilishiga erishildi.

Mirzohid OSTONOV, Qashqadaryo viloyati FVB boshlig’i o’rinbosari, podpolkovnik.

ҚУРИЛИШДА ЎРГАНИШ

Наманган вилояти ФВБ НТБ бўлими ходимлари томонидан янги қуриладиган объектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш давомида амалдаги меъёрлар талабларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қурилиш меъёр ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларида талабларига жавоб бермайдиган масканларга нисбатан чоралар кўриломоқда. Жойларда нақонуний равишда қурилишларни амалга оширишнинг салбий оқибатлари аҳолига тушунтирилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фукарорлар йиғинлари, корхона ва ташкилотларда учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказилмоқда.

И.КАРИМОВ, Наманган вилояти ФВБ НТБ инспектори, катта лейтенант.

YONG’IN XAVFSIZLIGI

Baxmal tumani favqulodda vaziyatlar bo’limi xodimlari tomonidan yangi qurilayotgan ko’p qavatli aholi turar joylari va ma’muriy binolarda favqulodda holatlar hamda yong’in xavfsizligini ta’minlash maqsadida ishchi-xodimlar bilan suhbatlar o’tkazilmoqda.

Birinchi navbatda barcha ishchi-xodimlar texnika qoidalariга rioya qilingan holda maxsus keyim-boshlari bilan ta’minlanishi, qurilish maydonlarida payvandlash ishlarini maxsus guvoohnomaга ega bo’lgan ishchilar olib borishi, qurilish maydonlarini yong’inga qarshi qalqon hamda birlamchi yong’in o’chirish vositalari bilan ta’minlash, nosoz holdagi elektr tarmoqlaridan, ishchilar xonasida nstandart elektr isitish moslamalaridan foydalanmaslik, gaz solingan ballonlar soni 50 dan ortiq bo’lmagan holda maxsus omborxonada yoki quyosh nuri tik tushmaydigan bostirma ostida saqlanishi kerak.

Bino va inshootlar bunyod etuvchi har bir binokor-quruvchi, muhandis mutaxassis tegishli talablarni puxta o’zlashtirib olishi, qurilish jarayonida yong’inlarga olib keluvchi har qanday salbiy holatning oldini olish yuzasidan tegishli yo’riqnoma bilan ta’minlanishi lozim.

Boshqacha aytganda, qurilishda amaldagi qoida-talablariga qat’iy rioya etishga har bir kishi mas’ul va majbur ekanligini unutmazlik kerak.

SH.HASANOVA,
Baxmal tumani FV bo’limi NTB boshlig’i, kapitan.

СУВ МАНБАЛАРИ

Бугунги кунда Бахмал тумани ҳудудида жами 97 та сув ҳовузи мавжуд бўлиб, шундан 71 таси корхона ва ташкилотлар ҳудудида жойлашган, қолган 26 тасини маҳаллий сув ҳовузлири ташкил этади.

Туман марказида янги барпо қилинаётган жами 47 та ер ости сув олгичларининг 2023 йилга тугалланиши мўлжалланган бўлиб, ҳозирда Ўсмаг шаҳарчаси Муस्ताқиллик кўчаси бўйлаб 10 та. Бахмал кишлоқ фукарорлар йиғини ҳудудида 37 та ер ости сув олгичларини қуриш ишлари давом эттирилмоқда.

Туман ҳудудида фавкуллода вазиятлар ҳамда ёнғинларнинг олдини олиш, содир бўлганда бартараф этишда фойдаланиладиган ёнғинга қарши сув манбаларининг созлиги ва доимий сув билан таъминланганлигини назорат қилиш бўйича туман фавкуллода вазиятлар бўлими ҳамда “Сувокава” корхонаси ходимлари

ҳамкорлигида Ўсмаг шаҳарчасида жойлашган маҳаллий ва 7-сонли мактабгача таълим ташкилоти, “Сувокава” корхонаси ҳудудида жойлашган сув ҳовузлирининг ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан юқори турувчи ташкилотларга ахборотнома ҳамда тақдимномалар, ташкилот раҳбарларига кўрсатма ва тушунчалар берилмоқда.

Ифтихор УМАРОВ,
Жиззах вилояти ФВБ Ахборот хизмати раҳбари, катта лейтенант.
Шерзод ХАСАНОВ,
Бахмал тумани ФВ бўлими НТБ бошлиғи, капитан.

ТАХЛИЛ

Жиззах вилоятининг Бахмал туманида ҳам бир қатор профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда инсон омили муҳим ўрин тутади. Саноат корхоналари ёки ижтимоий соҳа объектларининг хар бир ходими нафақат ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, балки ёнғин содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш тартибини ҳам билиши лозим. Шу боисдан Фавкуллода вазиятлар бошқармаси ҳамда унинг шаҳар-туманлар бўлимлари ходимлари томонидан корхона ва муассасаларда ишчи-хизматчилар билан ўтказиладиган учрашувлар, давра суҳбатларида доимий равишда бу ҳақда батафсил маълумотлар бериб борилмоқда.



Жумладан, газ таъминоти ва электр тармоқлари корхоналари, фукарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотар билан ҳамкорликда уй-жойлар, бинолар

ва иншоотларнинг ёнғинга қарши ҳолатини яхшилаш мақсадида, тумандаги маҳалла ва кишлоқлардаги аҳоли яшаш хонадонларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилди. Натижада 64 та камчилик аниқланиб, уларнинг 36 таси тегишли идоралар билан ҳамкорликда жойида бартараф этилди.

Озод БОЙМУРОДОВ,
Бахмал тумани ФВ бўлими бошлиғи, майор.

ТУНГИ РЕЙД

Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида инсонлар тунда қоладиган масканлар, хусусан, шифохоналар, талабалар турар жойлари, қариялар уйлари ва бошқа масканларда тунги вақтда биноларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига rioya қилиниши юзасидан ўрганиш ва рейдлар ўтказиб келинмоқда.

Тунги вақтдаги ўрганиш ва рейдлар давомида вилоят ФВБ бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов ҳам жойларга бориб, биноларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига rioya қилиниши, иситиш тизимларини ўрганиб, маскан навбатчилари билан фавкуллода вазиятларда ҳаракатланиш юзасидан суҳбатлар олиб борилмоқда.

Бу каби тадбирлар жойларда давом эттирилмоқда.



Наманган вилояти ФВБ ахборот хизмати.

**ОБУНА
ДАВОМ ЭТАДИ**

Хурматли муштарийлар!
2023 йил учун «Вазият» газетасига
хамда «Муҳофаза+»
журналига обуна бошланди.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун:
«Вазият» газетаси — 382 «Муҳофаза+» — 1066

ФВВ Бирлашган тахририяти

Vaziyat
gazetasi

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета тахририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
Б.ВАЛИЕВ

Тахририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изох берилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан руйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Тахририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкилотлар учун — 382

Газета
"BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сугалли ота кучаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6200 нусха

Биласизми?

2023 ЙИЛ – ҚУЁН ЙИЛИ

Қуён мучали соҳиб ва соҳиблари ўзига хос хислатларга эга бўлиб, қобилиятли, иззатталаб, камтарин, босиқ ва саховатлидирлар. Улар бенуксон дидлари билан ажралиб турадилар, ҳаммининг тахсини ва ишончига сазовор бўладилар.

Олдиндан яхши ва ёмон томонларини жамлаб кўрмагунча, ҳеч бир ишга қўл уришмайди. Улар ажойиб ишчанлик қобилиятига эга. Гарчи, баъзан ўтакетган расмиятчи бўлишса-да, ҳалол ва ўз сўзларининг устидан чиқишади. Иқтисодий жиҳатдан ҳаммаша омадлари юришади, ўйлаган ишларини амалга оширишда эпчиллик кўрсатишади. Улардан ажойиб ишбилармон кишилар етишиб чиқади. Ҳаётлари тахлика остида қолмас, истеъдодли ҳуқуқшунос ёки дипломат ҳам бўлишлари мумкин.



Бу мучалда туғилган аёллар дид, меҳмондўстлик ва яхши вакиллик талаб қилинадиган ҳар қандай соҳада ўзларини кўрсатишлари мумкин. Умуман, ушбу йилда таваллуд топганлар ўзлари ёқтирган одамларга нисбатан жуда ҳушмуомала ва хизматига шайдилар.

2023 йил – Сув қуёни йили. Йил жониворининг ранги қо-

ра, кўк, оч ва тўқ кўк, лоқувардир. Негаки, Венера 2023 йилнинг ҳукмрон сайёраси бўлади. Йил ҳомийси Венера шахсий ҳаётдаги ёқимли ўзгаришларга ҳисса қўшади, умуман қўлаб бурж вакиллари учун бу йил омадли бўлади. Бу йил тинч-хотиржамлиги ва уйғун қизиқарли хусусияти билан ажралиб туради. Чунки йил тимсоли – Қуённинг ўзи

ҳам мулоқим, юмшоқ, барақали хайвондир.

Бундан олдинги қуён мучалидаги йиллар қуйидагилар: 1927, 1939, 1951, 1963, 1975, 1987, 1999, 2011.

Қуёнлар ҳақида қизиқарли фактлар

- Қуёнлар одатда жуда кўп душманлар бўлишига қарамай (деярли барча йиртқичлар қуёнларни ейишади!) табиатда ўз сергаклиги ва чакқонлиги боис омон қоладилар.

- Қуёнлар 150 хил рангда бўлиши аниқланган!

- Қуён секундига иккита чайнаш ҳаракатини бажаради. Ва у бир неча соат тўхтамасдан чайнаши мумкин. Унинг учун қаттиқ овқатни чайнаш муҳимдир. Акс ҳолда тишларида муаммолар пайдо бўлади.

- Бу хайвонлар 56 км/соат тезликда чопа олади.

- Қуёнларнинг айрим турлари дарахтларга чиқишни ҳам уқдалайди.

- Қўпинча қуёнлар гуруҳ бўлиб яшайдилар.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

АСАБЛАРГА ДАМ БЕРИНГ!

Асаб ҳасталиги аср ҳасталиги сифатида эътироф этилаётгани барчамизга маълум. Негаки, бугун турли-туман ахборот оқими мавжуд.

Ён-агрофимизда ижтимоий ва шахсий муаммолар анчагина. Руҳий тушқунлик оқибатида келиб чиқаётган депрессиянинг ўзидек вужудимизни турли ҳасталикларга мубтало этади.

Кўча-қўйдаги шовқинли товушларни айтмайсизми?! Мутахассислар таъкидлашича, шовқин киши умрини 5 йилгача қисқартиради.

Япон олимлари шовқинли товушларнинг ўсимликлар ва жониворларга таъсирини ўрганиш мақсадида тажриба ўтказишган. Дарё бўйида майин мусиқа чалинганда жамийки майда балиқлар соҳил томон сузиб келаверишди. Мусиқа тўхташи билан эса ортага қайтишган. Шунингдек, шовқинли хонада гулларнинг ўсиши ҳам секинлашгани маълум бўлган.

Ёмони шундаки, шовқин, энг аввало, бош мия фаолиятини сусайтиради, асаб тизимини, эшитиш қобилиятини ишдан чиқаради. Унутмангки, жадлга эрк бе-



риш, ортиқча бақир-чақирлар миядаги асаб ҳужайраларини емиради. Емирилган ҳужайралар эса қайта тикланмайди.

Шунинг учун асабларга дам бериш, иложи борича шовқиндан йироқлашиб, табиий гўзал товушларни тинглаш лозим. Сувнинг жилдираб оқиши-ю чигиртка чириллаши, барглarning шитирлаши сингари чиройли товушлар асабларга ором бахш этиб, мия фаолиятига ижобий таъсир қилади.

Шундай экан, оиладаги давраларда, кундалик мулоқотлар чоғида ҳам майин сўзлашишга одатланайлик.

М.МИНГБАЕВА,
“Қамчиқ” МКҲҚБ ходими,
оддий аскар.

POSBONINGMAN,
MUQADDAS YURTIM!

Yulduzimsan, osmonda oyim,
Kindik qonim to'kilgan joyim,
Qo'riqlayman seni har doim,
Posboningman, muqaddas yurtim!

Poying o'psam, qancha izlar bor,
Shijoatkor og'il-qizlar bor.
Har sinovda, ishon, bizlar bor,
Posboningman, muqaddas yurtim!

Yuksaklikda yastangan tog'im,
Senda yashnar mevali bog'im,
Ko'ksim uzra yongan chirog'im,
Posboningman, muqaddas yurtim!

Olimlar bor hadisin olgan,
Ajdodlar bor tarixda qolgan,
Shoirларing ishqingda yongan,
Posboningman, muqaddas yurtim!

Javohir XOLMATOV,
Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi
1-Muhandislik-qurilish batalyoni 2-otryad
3-guruh muddatli harbiy hizmat
oddiy askari.